

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 106-ҳадис

106 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السَّلَاحَ، فَلَيُسَرِّ مِنَّا، وَمَنْ عَشَّنَا، فَلَيُسَرِّ مِنَّا». رواه مسلم.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бизга қарши қурол кўтарса -биздан эмас, кимки алдаб, фирибгарлик қилса- биздан эмас», дедилар.

Ином Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Ушбу муборак ҳадис мусулмонларнинг бир-бирлари билан урушиши нақадар хатарли эканини баён этмоқда. Шунинг учун Набий алайҳиссалом биродарига қурол кўтарган кишини мусулмон умматидан эмас, биздан эмас демоқдалар. Агар одамлар ушбу ҳадисни англаб, шу таълимот асосида ҳаёт кечиришса, ўзаро ораларида найза, пичок, қилич, ўқотар қуроллар билан урушишларига гувоҳ бўлмас эдик. Чунки мусулмонга қарши қурол кўтарган пайтда у мусулмон инсон Ислом доирасидан чиқади. Шунингдек, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам олди-сотдида ва тижоратда ёлғон, алдов ишлатмасликни ҳам баён қилдилар. Мусулмонларнинг фирибгарлик қилиш, алдаш яна бир кўриниши- талабаларнинг кириш имтиҳонларида ёки ўқув жараёнида ёлғон, алдов, кўчириб олиш каби ишларни қилишлари айни алдаш ва фирибгарликнинг кўринишларидандир. Бу эса гуноҳdir, халқни, жамиятни алдашdir.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

- Биродарига қурол кўтарган киши мусулмонлар жамоасидан эмас.
- Одамларни мол-мулкини тортиб олиш мақсадида уларни қўрқитиб, қурол кўтарган киши ҳам мусулмонлардан эмас.
- Олди-сотдида, гувоҳлик ва илмда алдаган киши ҳам мусулмон эмас.



NUBUVVAT MARVARIDLARI